

FACTORS EFFECTING THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE BORDER (TRANSBORDER) REGIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN

Umrinisa T. Egamberdieva

Senior Lecturer

National University of Uzbekistan

Sherzod Q. Ablyamitov

ABOUT ARTICLE

Key words: tourism, cross-border tourism, natural conditions, tourist site, tourist corridor, infrastructure.

Received:

Accepted:

Published:

Abstract: This article focuses on the factors influencing the development of tourism in the border regions of the Republic of Uzbekistan and Kazakhstan, their analysis. Opinions are given on the tourism potential of these two countries, tourism development opportunities, reforms carried out between the two countries.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЧЕГАРА ОЛДИ (ТРАНСЧЕГАРАВИЙ) ҲУДУДЛАРИДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТА'СИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Умриниса Т. Эгамбердиева

Катта ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий Университети

Шерзод Қ. Аблямитов

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: туризм, трансчегаравий туризм, табиий шароит, туристик обьект, туристик коридор, инфратузилма.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Қозигистон Республикалари трансчегаравий худудларида туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, уларнинг таҳлили каби масалаларга э'тибор қаратилган. Бу икки мамлакатнинг туристик салоҳияти, туризмни ривожлантириш имкониятлари, икки мамлакат ўртасида амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В ПРИГРАНИЧНЫХ (ТРАНСГРАНИЧНОГО) РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И КАЗАХСТАН

Умриниса Т. Эгамбердиева

Старший преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Шерзод К. Аблямитов

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: трансграничный туризм, природные условия, туристический объект, туристический коридор, инфраструктура.

Аннотация: В данной статье основное внимание уделяется факторам, влияющим на развитие туризма в приграничных регионах Республики Узбекистан и Казахстан, их анализу. Приводятся мнения о туристическом потенциале этих двух стран, возможностях развития туризма, реформах, проводимых между двумя странами.

КИРИШ

Ушбу мақолада чегара ҳудудларида туризмни ривожлантиришнинг ўрганиш ва назарий жиҳатлари кўриб чиқилади. Иш чегара ҳудудларида туризм соҳасидаги географик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини аниқлашга қаратилган. Унинг илмий аҳамияти чегарадош ҳудудлар ва туризмнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётдаги ўрни ҳақидаги маҳаллий ва хорижий адабиётларни ўрганишдадир.

Туризмни ривожлантиришда чегараларнинг роли ҳақидаги биринчи тадқиқот 1970-йилларнинг охирида хорижда нашр этилган. Д. Матцнеттера «Границы и туризм: фундаментальные связи» асарида келтирилган. Унда муаллиф туристик объектлар ва зоналарни чегараларга нисбатан

- ⊕ чегара бир-биридан анча узоқда жойлашган иккита туристик ҳудуд ўртасидан ўтади;
- ⊕ туристик зона чегарага туташ, лекин фақат бир томонда;
- ⊕ чегара туристик зонадан ўтади ёки туристик зоналар чегарага ҳар икки томондан туташган бўлади..

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу тадқиқот мавзуси 2000-йилларда кенгроқ ривожланди. Америкалик олим Д. Тимоти Д. Матцнеттернинг ёндашувидан фойдаланиб, ўзининг “Туризм ва сиёсий чегаралар” монографиясида чегаралар ва туризм ўртасидаги ўзаро таъсирнинг уч турини

аниқлади: чегара тўсиқ сифатида, туристик мақсад ва туристик ландшафтнинг модификаторидир.

Бугунги кунда баъзи бир институтционал тўсиклар трансчегаравий туризм минтақалари ривожланишига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Чегаралар чегара режимига ва сайёҳлар учун кириш тартибларининг қатъийлигига қараб таснифланади. Мамлакатимизда ҳам давлат чегараси атрофи худудлари жозибадорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Трансчегаравий туризм бутун дунёда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорликнинг фаол ривожланаётган туридир. Бу туризм инфратузилмасини ривожлантириш, чегара худудларида трансчегаравий туризм йўналишларни ташкил этиш ва амалга оширишга асосланган туризм фаолиятининг алоҳида туридир. Иқтисодий фаолиятнинг бу тури халқаро муносабатларни ривожлантириш ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Трансчегаравий туризм асосан қисқа муддатли турлар билан тавсифланади.

Трансчегаравий туризм чегараларнинг жойлашуви ва функцияларидаги ўзгаришларга жуда сезгир. Янги чегаранинг пайдо бўлиши (ёки мавжуд чегаранинг ёпилиши) мавжуд туристик алоқаларни бузади ва унда жиддий ўзгаришларга олиб келади. Чегаралардаги тартиб, мамлакатлар ўртасидаги расмий муносабатни яхши йўлга қўйилганлиги товарлар ва одамларнинг ҳаракатланишини рағбатлантиради, чегарага яқин шаҳар, кишлоқлар аҳолисини турмуш даражасига таъсир ўтказади.

Чегара худудларида замонавий туризмнинг асосий шакллари қўйидагилардан иборат:

- харид қилиш;
- гастрономик туризм;
- ўйин-кулги;
- соғломлаштириш туризми;
- транзит туризм;
- экологик туризм;
- маданий-ма'рифий туризм;
- тадбирлар туризми.


“Чегара худуди” тушунчаси бу худудга давлат чегарасининг сезиларли даражада таъсир этишини назарда тутади. Чегара худудларнинг ўзига хослиги шундаки, давлатнинг ташқи чегараларига алоҳида муносабати туфайли бу худудларнинг ривожланишига геосиёsat, геоиктисодиёт ва хавфсизлик билан боғлиқ омиллар узвий боғлиқликда таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, транзит айрим чегара худудлари иқтисодиёти учун катта аҳамият касб этади. Чегара худудларнинг иккинчи хусусияти шундаки, уларнинг аксарияти цивилизациялар чорраҳасида жойлашган.

Бугунги кунга чегара ҳудудлари турли интеграция жараёнларида фаол иштирок эта бошлади. Табиатидан фойдаланиш, чегара ва трансчегаравий ҳудудларни ривожлантириш бўйича маҳсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ трансчегаравий ҳудудларни чегарадан қанча масофага чўзилиши катъий мезон билан белгиланмаган.

Умуман олганда, чегара ҳудудини қўшни давлатларнинг реал ёки потенциал ўзаро таъсири хусусиятларига эга ҳудуд сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай хусусиятлар турли ҳудудий даражаларда намоён бўлади. Тўғридан-тўғри давлат чегараси яқинида, қоида тариқасида, ҳар икки томонда чегарани қўриқлаш, уни ажратиш ва давлатлараро муносабатлар функцияларини бажарадиган тузилмалар - божхона ва транспорт тузилмалари тузилади. Бу барча боғланишларнинг комбинатсияси чегара инфратузилмаси деб аталади. Давлат чегарасидан о‘нлаб километр узоқликда жойлашган ҳудудда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг турли тузилмалари жойлашган (ёки жойлашиши мумкин): қўшма корхоналар, савдо марказлари, сайёҳлик компаниялари, биринчи навбатда, қўшни давлатнинг чегарадош ҳудудлари билан ўзаро муносабатларга йўналтирилган.

Ўзбекистоннинг чегарадош ҳудудларида туристик жойларни бир неча тоифаларга бўлиш мумкин: а) трансчегаравий туризм ҳудудларини яратишга олиб келадиган яқин трансчегаравий ҳамкорликнинг мавжудлиги; б) туризм маконини фақат чегаранинг бир томонида ривожланганлиги; д) чегараларнинг бутунлай ёпиқлиги сабабли туристик маконнинг ривожланмаганлиги.

Ўзбекистон ва Қозогистон чегара ҳудудларида туризмнинг ривожланиши ва фаолиятига таъсир қилувчи ташқи ва ички омиллар мавжуд. Бу соҳада жуда кўплаб олимлар тадқиқот олиб бормоқдалар. Бундай тадқиқотларнинг натижалари мамлакатларнинг чегарадош ҳудудларида туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиша фойдаланиш имкониятини беради.



Чегара худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Географик жойлашуви

Чегара худудининг географик жойлашуви, унинг давлат чегарасига ва шунга мос равишда хорижий давлатга яқинлиги - 1,5-2 соатлик йўл бўлиб тахминан 100 км гача. Шу муносабат билан давлат чегарасига туташ ландшафти ва ривожланиши ҳар қандай турдаги ҳар қандай худуд чегара худуди ҳисобланади. Аммо бугунги кунда чегара олди худуди қанча километргacha бўлиши ҳақида маълум бир меъёр ишлаб чиқилмаган.

Сиёсий ва институциональ омиллар. Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлиги, чегаралар режими чегара туризмининг ривожланишидаги сиёсий омилларни белгилайди. XX асрлар охири XXI аср бошидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларининг табиатига таъсир кўрсатди, давлатлар ўртасида сифат жиҳатидан янги сиёсий, иқтисодий ва маданий мулоқотни қуриш учун асос яратди.

Транспорт ва логистика омиллари. Трансчегаравий транспорт-логистика инфратузилмасида давлат чегараси орқали ҳалқаро ўтказиш пунктлари мавжудлиги (кўпинча турли транспорт турлари учун) катта аҳамиятга эга.

Инфратузилма омили. Туризм инфратузилмасининг ривожланиш даражасини билдирувчи омил (озик-овқат; дам олиш; туристик- хизматлар) минтақавий туризм бизнеси фаолияти самарадорлигига асосий рол ўйнайди.

Иқтисодий омиллар. Чегара худуди ресурслари ва салоҳиятидан, жумладан:

- турли хил табиий ресурслар – ер, ўрмон, сув, рекреация ва бошқалардан кенг фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- кооперациянинг турли шаклларига аҳолини бир давлат чегарасидан бошқа давлат чегарасигача ва аксинча жалб қилиш имконияти;
- халқаро ҳамкорликнинг турли шаклларига, шу жумладан чегара ҳудуди аҳолисининг салмоқли қисмини (50% гача ва ундан ортиқ) ташқи иқтисодий фаолиятга жалб қилиш;
- икки давлат бозорларидан чегарага туташ ҳудудлар доирасида кенг фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

Социал-маданий омиллар. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши халқлар ўртасидаги ижтимоий-маданий ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Тарихан шаклланган яхши қўшничилик, қариндош уруғчилик, маданиятнинг бирлиги трансчегаравий туризмни ривожланишига катта хисса қўшади

Энг муҳим омиллардан яна бири тилнинг ўхшашлигидир. Қўшни халқларнинг миллий қадриятлари ва урф – одатлари, диний келиб чиқиши ҳам ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасида умумий тарихга ва ўхшашликка эга. Бу икки халқнинг қадриятлари ва урф - одатларидағи ўхшашлик турли хил маросимларада, байрамларда, оила қуриш масалаларида муҳим рўл ўйнайди. Бундан ташқари диний келиб чиқишининг бир хиллиги ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида тарнсчегаравий туризмни ривожланиши натижасида икки давлатнинг чегара ҳудудида хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш ривожланади. Янги автомобил йўлларини қуриш ва реконструксия қилишга, шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришга эътибор қаратилади. Миллий хунармандчилик ривожланади миллий анъаналар акс этган сувенирлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Туризм соҳасида фаолият юрита оладиган кадрларни тайёрлаш ва ўз навбатида, аҳолини, биринчи навбатда, ёш кадрлар – туризм соҳасидаги мутахассисларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилинади.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги трансчегаравий туризмнинг ривожланиши бир қатор омиллар билан бир қаторда ҳудуднинг туристик ресурслари билан ҳам белгиланади.

Қўшни бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг ўта бой тарихга эга эканлиги, кўплаб табиий, тарихий ва маданий туристик объектларга эга эканлиги, туристик салоҳиятининг юқори эканлиги ҳар иккала мамлакат туризмни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратади.

Биламизки, Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан энг узун чегараси айнан Қозоғистон Республикасига тўғри келади (2 203 км). Мана шундай улкан чегара олди ҳудудларида трансчегаравий туризмни ривожлантириш орқали ҳар иккала мамлакатнинг

туризмини ривожлантириш, янги туристик коридорларни яратиш, чегара олди худудларида инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини ошириш, аҳолини турмуш даражасини янада яхшилаш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, юкори иқтисодий самарадорликларга эришиш каби натижаларга эришиш мумкин. Натижада ҳар иккала мамлакат иқтисодиётida туризм соҳасининг аҳамияти ортиб боради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг қўшни Қозоғистон Республикаси билан юкори даражада ривожланиб бораётган ташқи иқтисодий алоқалари туризмга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Мамлакатимизнинг 2016 – 2020 – йиллар оралиғида Қозоғистон Республикаси билан товарлар ва хизматларнинг экспорт ва импорт ҳажми қўйидагича:

1-жадвал¹

Йиллар	2016	2017	2018	2019	2020
Экспорт ҳажми (минг. АҚШ. Доллари)	945 023,7	1 057 579,0	1 352 167,8	1 392 964,9	908 419,8
Импорт ҳажми (минг. АҚШ. Доллари)	953 886,2	998 164,1	1 567 442,3	1 942 012,0	2 097 346,1

Жадвалдан кўриниб турибдик ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро товар ва хизматлар савдоси юкори даражада. Кўрсаткичларнинг йилдан йилга ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Фақатгина 2020 – йилда экспорт ҳажми пасайган. Бунга сабаб қилиб бутун дунёда кузатилган пандемия шароитини кўрсатишимиз мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ташқи иқтисодий алоқалар мана шундай юкори даражада экан бу ўз навбатида албатта туризмнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Чегаранинг ҳар икки томонида бир хил миллат вакилларининг яшashi трансчегаравий туризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи энг йирик омиллардан бири ҳисобланади. Чунки бундай ҳолатларда қариндошлар ўртасида қатнов юкори кўрсатгичга эга бўлади. Ўзбекистоннинг Қозоғистонга чегара худудларида қозоқ миллат вакилларининг яшashi ёки бўлмасам бунинг акси, Қозоғистоннинг жанубий қисмларида ўзбек миллатларининг катта ҳажмда яшashi бу икки давлат ўртасида аҳоли қатновининг ошишига сабаб бўлади.

2020 – йил ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг жами сони 1501,4 минг киши бўлиб, шундан 1321,4 минг киши (

¹ O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari

жами келганларнинг 87,8 % и)нинг сафар мақсадлари қариндошларни йўқлаш бўлган. Худди шу йили Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг 28,2 % ини (424,1 минг киши) Қозоғистондан келганлар ташкил этган. Нафақат Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистонга, балки мамлакатимиздан ҳам қўшни Қозоғистонга аҳолининг турли мақсадларда чиқиши юқори кўрсаткичларга эга. 2020 – йил ҳолатига кўра, чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 26 % и (520,3 минг киши) Қозоғистон Республикасига кетган.²

Демак, бу икки қўшни давлат орасида аҳоли қатнови мана шундай юқори даражада экан, ҳар иккала мамлакат учун ҳам трансчегаравий ҳудудларда туризмни, инфратузилмаларни янада ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳар икки мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, турли хил сиёсий низолардан ҳоли эканлиги ҳам туризмнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки уруш бўлаётган, сиёсий вазият оғир бўлган ҳудудлар сайёҳлар учун қулай жой ҳисобланмайди. Мамлакат қанчалик тинч ва осойишда бўлса, унга ташриф буюрувчилар сони ҳам шунча кўп бўлади. Буни ҳозирги дунёдаги нотинч сиёсий вазиятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Сўнги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда трансчегаравий туризмни икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида эътироф этишимиз мумкин. Бунинг мисолини сўнги йилларда мамлакатлар ўртасидаги янги келишувлар, расмий вакилларининг учрашувлари, янги имзоланган қарорларда кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг бой ўтмиши ва турфа анъаналаридан келиб чиқиб, катта истиқболга эга эко, этнографик, тиббий туризм каби йўналишлар бўйича қатор мамлакатлар билан, жумладан қўшни Қозоғистон Республикаси билан биргаликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиб, ҳаётга жорий этиш, фойдали йўналишлардан бири ҳисобланади.

Чунки, туризм йўналишининг ривожланиши иқтисодиётларнинг ўсиши, аҳоли даромад манбаалари ошишига, ишсизликни камайтиришга, аҳоли турмуш тарзини яхшиланишига бевосита хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 1. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320 б.
2. [хттп://www.gmincigxtc.com/](http://www.gmincigxtc.com/)
3. [хттп://узбекистан.травел/ру/](http://узбекистан.травел/ру/)

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

4. www.stat.uz
5. <https://казахстан.травел/>
6. Эгамбердиева Умриниса Турсункуловна Ўзбекистон миллий университети, “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедрасининг доценти.
7. Yunusova, G. D. (2022). Specific Aspects Of The Speech Act In Korean. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 4056-4059.
8. Karimov, N. (2022). Importance of studying and promoting oriental culture and heritage. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.
9. Аблямитов Шерзод Қурбон ўғли Ўзбекистон миллий университети, “Иқтисодий ва ижтимоий география” кафедраси 2-курс магистранти.
10. Gudalov, M., & Imamova, D. (2020). Development Of Ecoturism In Aydar-Arnasay Lakes System And Its Surroundings. *The American Journal of Applied sciences*, 2(10), 150-153.
11. Mardievna, B. M., Mukhamadjanovna, J. S., Nematovich, N. O., & Azamovich, T. V. (2020). The importance of modern methods and technologies in learning English. *Journal of critical reviews*, 7(6), 143-148.